

## **ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛЛАРИ ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**К.С. Усмонов**

БМА тингловчиси

**Кириш.** Мамлакатда амалга оширилаётган банк ислохотлари натижасида тижорат банклари капитали сезиларли даражада ошди, ликвидлик даражаси мустаҳкамланди, кредитлар бўйича фоиз ставкалари пасайтирилди. Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида банк тизимининг капиталлашув даражаси сўнгги йилларда бир неча баробар ўсганини, ликвидлик ва капитал етарлилик кўрсаткичлари халқаро стандартлардан анча юқори эканлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан, нақд пулсиз операцияларни кенг қўллаш мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ айрим муаммолар ҳам мавжуд: банк айланмасидан ташқари маблағлар улуши тўлиқ қисқармаётгани, бу эса товар ва хизматлар нархининг ўсишига сабаб бўлаётгани шулар жумласидандир. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосий ўрин тутган бўлиб, уларда барча субъектлар ушбу тамойилларга қатъий амал қилиши туфайли ҳисоб-китоб жараёнларида деярли муаммо кузатилмайди.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва амалий

тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1. Республикамиз амалиётида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга оширилаётган тўловларнинг 90 фоиздан ортиқ қисмини таъминланган аккредитивлар орқали амалга оширилаётганлиги.

Таъминланган аккредитивларда тўлов сўммаси корхонанинг жорий ҳисобрақамидан олинади ва тижорат банкида алоҳида ҳисобрақамида (22602-ҳисобрақами) депонент қилинади. Натижада ушбу маблағлар корхонанинг тўлов айланмасидан чиқиб қолади ва ушбу ҳолат корхоналарнинг пул оқимиغا салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Республикамиз банк амалиётида ҳозирги кунга қадар нақд пулсиз операцияларнинг соф инкассо ва ҳужжатли инкассо шакллари мавжуд эмас. Бунинг натижасида нақд пулсиз операциялар ҳажмини ошириш имконияти чекланади, тижорат векселларига асосланган кредитлаш шакллари юзага келмайди.

3. Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳисоб-китоб чекларининг мавжуд эмаслиги.

Ўзбекистонда олиб борилаётган банк-молия тизимидаги ислохотлар ҳам ушбу мавзунунг долзарблигини янада кучайтиради.

**Асосий қисм.** Нақд пулсиз операцияларни амалга ошириш учун ҳозирги кунда миллий тўлов тизими яратилган.

Тўлов тизимининг турлари:

банклараро тўлов тизими;

банкнинг ички тўлов тизими;

чакана тўловлар тизими.

Тўлов тизимлари турли шаклларда ташкил этилади, лекин уларнинг мақсади доимо битта, яъни аҳолига ва хўжалик субъектларига ўз пул маблағларини бир банкдаги ҳисобварақдан бошқа банк ҳисобварағига тез ўтказиб беришни таъминлашдир. Тўловчи ва тўловни олувчи учун муқобил йўл бўлиб нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш ёки бартер бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳисоб-китоблар кўп ҳолларда чекланган бўлади.

**1-жадвал**

**Тижорат банкларида қўлланиладиган асосий нақд пулсиз операциялари таркиби.**

<b>Операция тури</b>	<b>Амалда қўлланиш ҳолати</b>
Тўлов топшириқномаси	Бу энг кўп учрайдиган ва оммавий қўлланиладиган ҳисоб-китоб хужжати ҳисобланади. Хусусан, тижорат банклари орқали амалга ошириладиган тўловларнинг тахминан 70–75 фоизи айнан тўлов топшириқномалари орқали амалга оширилади. Юридик шахслар ўзаро шартнома

	асосида тўлов қилишда шу усулни асосий шакл сифатида танлайдилар
Инкассо топшириқномаси	Бу турдаги тўловлар чекланган ҳолатларда ишлатилади. Асосан, солиқ органлари, судлар ёки давлат ижрочилари томонидан чиқарилган қарорлар асосида мажбурий равишда маблағ ундириш мақсадида қўлланилади. Масалан, қарздор юридик шахс ҳисобидан солиқ қарзини ушлаб қолишда фойдаланилади.
Электрон тўловлар (QR, Payme, Click)	Бу турдаги тўловлар кейинги йилларда жуда тез оммалашди. Жисмоний шахслар ва кичик бизнес субъектлари (МЧЖ) ўртасида Payme, Click, Apelsin, UzumBank каби мобил иловалар орқали амалга ошириладиган онлайн тўловлар кундалик ҳаётда кенг фойдаланилмоқда. QR-код орқали тўлов — савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарининг асосий тўлов воситасига айланди.
Аккредитивлар	Бу жуда эҳтиёткорлик ва кафолат талаб қиладиган ҳисоб-китоб шакли бўлиб, асосан йирик тижорат шартномаларида, экспорт-импорт операцияларида қўлланилади. Банк мижоз номидан муайян шартлар бажарилгандагина тўлов амалга оширишга кафолат беради. Бундай ҳолатда пул

тўғридан тўғри эмас, балки шартнома шартларига мувофиқ тарзда, босқичма-босқич тўланади.

**Манба:** [cbi.uz](http://cbi.uz)-Ўз.Рес.Марказий банкининг маълумоти асосида тайёрланди.

**2-жадвал**


**Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китобларда қўлланилган тўлов ҳужжатлари сони бўйича 2025 йил июль охири учун тахлилий маълумот, минг сўмда**

	Банк номи	Мемориал ордери	Тўлов топшириқномаси	Тўлов талабномаси	Инкассо топшириқномаси	Банк бўйича жами
1	Миллий банк	7 6212	12 4597	1 342	28 771	230 922
2	Агробанк	1 36 995	25 8 487	1 013	10 1 056	497 551
3	Халқ банки	3 7 391	58 082	4 75	19 835	115 783
4	Туронбанк	4 9 286	81 876	9 7	10 853	142 112
5	Асака банк	5 1 861	47 899	5 76	13 335	113 671
	<b>Тра</b>	<b>2</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>11</b>	<b>436</b>

6	стбанк	36 608	7 963	84	360	615
	Ало	2	75	5	13	341
7	қабанк	51 844	443	45	368	200
	Ипо	1	33	1	34	470
8	тека-банк	02 079	3 658	023	212	972

Манба: <https://cbu.uz/oz/statistics/paysystem> сайти маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китобларда қўлланилган тўлов ҳужжатлари сони бўйича 2025 йил июль ойида юқоридаги 8та банклар ичида Агробанк, Ипотека банк ва тадқиқот объектими булган Траст банклар етакчи булган булса, энг паст кўрсаткичлар Асакабанк ва Халқ банкларига тегишли булган.



1-расм. 2025 йил июль ойида Марказий банкнинг Банклараро

**тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китобларда қўлланилган  
тўлов ҳужжатлари суммаси**

**Манба:** <https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem> сайти маълумотлари  
асосида муаллиф ишланмаси

1-расмдан маълумки, Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китобларда қўлланилган тўлов ҳужжатлари суммаси бўйича 2025 йил июль ойида мемориал ордерлар бўйича Агробанк, тўлов топшириқномалари бўйича Миллийбанк, тўлов талабномалари бўйича Асакабанк, инкассо топшириқномалари бўйича Миллийбанклар етакчилик қилишган.

**Хулоса**

Бугунги глобал рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бири – нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари жорий этиш ва уларнинг ҳисобини самарали ташкил этишдир. Бу жараён нафақат банк секторидаги операцияларни автоматлаштириш ва шаффофлаштиришга, балки бутун иқтисодиётда замонавий молиявий механизмларни фаол ишлатишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан турли рақамли тўлов платформалари, мобил ва интернет банкинг, QR-код орқали тўловлар, электрон ҳамёнлар каби хизматлар жорий этилаётгани эътиборга молик. Бироқ, ушбу жараённи янада ривожлантириш учун қатор амалий чоралар зарур:

❖ Аввало, ахборот технологиялари ва рақамли инфратузилмани янада кенгайтириш, хусусан, барча ҳудудларда POS-терминаллар, банкоматлар ва тезкор интернет билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

❖ Иккинчидан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва рақамли саводхонлигини ошириш лозим. Чунки инновацион хизматлардан фойдаланишда инсон омили ҳал қилувчи ўрин тутди.

❖ Шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш, нақд пулсиз тўловларни рағбатлантирувчи имтиёзлар ва мажбурий талабларни белгиловчи меъёрларни жорий этиш зарур.

❖ Тижорат банклари ичида ҳисоб-китоб жараёнларини автоматлаштириш, яъни API асосида интеграция қилинган, реал вақтда назорат имконини берувчи электрон ҳисобот тизимларини жорий этиш ҳам муҳим йўналишлардан биридир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ривожлантириш – бу фақат техник янгиланиш эмас, балки молиявий маданиятни шакллантириш, иқтисодий муносабатларни замонавийлаштириш, шаффофлик ва ишончни таъминлаш сингари кўп қиррали ислохотларни ўз ичига олади. Банклар бу борада фаол, ташаббускор ва инновацион ёндашувга эга бўлиши керак. Zero, рақамли молия соҳасидаги илдам ривожланиш – келажакдаги барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий кафолатларидан биридир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

